

RESEARCH ARTICLE

There Is A Difference Between Translation And Interpretation

Muslimbek Yuldoshev

Honored Cultural Worker of Uzbekistan, Associate Professor at JOKU, Tashkent, Uzbekistan

VOLUME: Special Issue 2026

PAGE: 136-139

Copyright © 2026 European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, this is an open-access article distributed under the terms of the Creative Commons Attribution-Noncommercial-Share Alike 4.0 International License. Licensed under Creative Commons License a Creative Commons Attribution 4.0 International License.

Abstract

The present article examines the distinctive features of poetic translation, the challenges involved in interpreting poetry, and the complexities of rendering it into another language. Special attention is devoted to the poems of Shavkat Rahmon - an eminent poet, translator, and Honored Cultural Figure of Uzbekistan and to the translator's skill in conveying the aesthetic, semantic, and rhythmic nuances of the poet's works into the Turkish language.

KEY WORDS

Poetic language, rhyme, syllable, versification, syllabic meter, source text, poetic translation, poem with figurative meaning.

INTRODUCTION

Таржимон – тушунган нарсасини бошқа тилга ўгиради. Тушунмаса, ўз она тилида ёзилган мисраларни англамаса бегона тилга қандай ўгирсин?! Насрий асар бўлсаку, бир нав. Аммо шеърят тили жуда нозик. “Айланма” деймизми, “бурама” деймизми? “Коса остида ним коса”си бор, “шама” ва “ишораси” бор тил бу шеърят тили.

Бу оддий сўзлар билан таърифлангандаги фикрлар. Аммо адабиётшуносликда ҳар бир ижодий услубнинг ўз таърифи бор. Агар насрий асар эркин ёзилаверса, шеърятда шакл бор, чега-ра бор, усул ва санок, қофия, туроқ деган бир қанча мажбуриятлар бор. Ўшаларга риоя қилинмаса, шеър шеърга ўхшамайди. Куй-чанлик шеърятнинг асл мақсади бўлса, айнан ўша куй-чанлик йўқотилади. Масалан, ғазални олайлик. Ҳар бир сатри бир ўлчам, бир хил бўғинли бўлади. Ғазал икки сатр, бир байтдан иборат бўлади. Уч сатрли ғазал бўлмайди. Икки ярим сатрлиси ҳам бўлмайди. Агар бир сатрдан ошса, унда иккала сатри ҳам ошиши керак ва у энди мастахзод кўринишига ўтади.

Бармоқ шеърларни олайлик. Шеър тўрт сатр бўлади. Ҳар сатри бир хил бўғинли ё оралатиб икки хил бўғинли бўлиши мумкин. Беш сатр, олти сатр ва унданам кўпроқ бўлиши мумкин. Лекин бу шеърнинг бошқа бандларида ҳам шундай бўлиши керак. А. Ориповнинг “Ўзбекистон” шеърини ўргансак, ҳар бир сатр тўққиз бўғин, ҳар бир банди ўн мисра қилиб тузилган. Шеър то охиригача 15 банднинг ҳар бирида шу бир хил ҳисобни қайтаради. Биз шу қонуниятга ўрганганмиз.

Миртемир домланинг “Ўзбекистон” шеърини ҳам бир кўриб чиқамиз. Мисраси ўн бир бўғин, олти сатрдан иборат битта банд. Аммо охириги мисра беш бўғинли “Ўзбекистонсан” сўздан иборат. Бу ҳам то шеър охиригача шундай ҳисобда келади. Фафур Фулом, Ҳамид Олимжонларнинг сочма қолип шеърлари-ни айтмаса, ҳамма шоирларнинг бор шеърини ижоди шу қонуниятга бўйсунди.

Мутахассис таржимон бир неча юз бетлик романларни осон таржима қила олиши мумкин. Бироқ саккиз-ўн икки мисрали шеърни таржима қилиш учун жуда кўп

машаққат чекиши аниқ. Ўзи бошқа тилда айтилганда ифода этиладиган маънони бе-рув-чи битта сўзни топиш мушкул. Аксари аслиятдаги бир сўз бош-қа тилда бир неча сўздан иборат жумлага дуч келади. Агар бит-та сўзда айтса бўладиганини топсанг бўғинлари мос туш-май-ди. Шеърда ўлчовлар талай. Сиқиклик билан бирга на-фис-лик бор. Бу одатий тилда, ҳамма тушунадиган қилиб ёзилган шеър-лар таржимасида шундай. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф шеърлари каби.

Шавкат Раҳмон ижодида, анъанавий шу каби шеърлардан таш-қари, яна шундай шеърларни учратиш мумкинки, улар ҳеч қан-дай санокқа тўғри келмайди. На сатрларда, на сатрлар ора-сию ва на мисралар ҳисобида. Юқоридаги каби аниқ арифметик ўл-чам-ларга бўйсунувчи шеърларни ёдлаш ва ижро қилиш сўз ус-талари, сухандонлар ва актёрлар учун осон. Бундай асар-лар-ни таржима қилиш ҳам осонроқ. Фикрни илғаб олсангиз бўлди. Аммо арифметикага ҳам, математикага ҳам бўйсунмайдиган-ла-ри-ни ёдлаш жуда мушкул. Актёрнинг ички “қулоғи” кўникма ҳо-сил қилган ритми, усулни эшитмайди. Мисралар тизилиши ке-рак бўлган қонуният ўзгаргани сабаб. Менимча бунда шаър-лар-ни таржимаси ҳам осон кечмайди. Шу туфайли ҳам то шу кун-гача бирор мард таржимон уларга қўл урмаган бўлса керак.

Нодиражон, Шоиражон,
танам қимир этмайди,
олис-олис воҳалардан
тоғларимни чақиринг,
осмон тўла ҳаволар
фақат менга етмайди.

Нодиражон, Шоиражон,
танам қимир этмайди,
кўзимда бир томчи ёш,
сойлар ювса кетмайди.

Нодиражон, Шоиражон,

танам қимир этмайди,
пешонамнинг шўридан
бино бўлган бу дарё...
осмон тўла ҳаволар
фақат менга етмайди.

Нодиражон, Шоиражон,
танам қимир этмайди,
боринг, қорли тоғларга:
бир шоир ётибди, денг
Худонинг ҳовлисида...
Осмон тўла ҳаволар
фақат менга етмайди...

Шавкат Раҳмоннинг ушбу шеърини мен санокқа ҳам солиб ўтир-майман. Илло, ҳаммаси ўзи кўриниб турибди. Мен фақат диқ-қатингизни бир неча сатрларда баён қилинган фикрларни қан-дай тушуниш керак, таржимон бу шеърни ўзга тилга кў-чи-рар экан, оёғини қаерга қўйиб турса бўлади, нимага суяниб тур-са экан, чунки бу мисраларнинг ўзи муаллақ мисраларку... де-моқ-чиман холос.

“...тоғларимни чақиринг...”, “...пешонамнинг шўридан бино бўл-ган бу дарё...” (қайси дарё?), “...бир шоир ётибди денг, Худо-нинг ҳовлисида...(?)” мана шу каби гап, жумла, бирикмаларни қан-дай тушуниб, қандай таржима қилсин? Сўзнику таржима қи-лар. Ваҳоланки, шоирнинг ижодида бундай ишоралар, ис-ти-о-ра-лар ва икки-уч “шўнғиб чиқиш”да ҳам тушунилиши қийин бўл-ган ФИКР ни қандай таржима қилсин?

Биз таржимон Хайрулла Ҳамидовнинг ўзбек халқининг су-юк-ли шоири Шавкат Раҳмон шеърларини турк тилига қандай ўғир-ганлиги ҳақида гапирганимизда шу жиҳатларга эъибор қа-ра-тишимиз лозим ва таржималарга холис баҳо бериб, унга кенг йўл очишимиз керак бўлади. Ана шундагина шоирнинг кўплаб асар-ларини турк тилига ўгирилишида муваффақият кў-ри-ши-миз мумкин бўлади.

Шавкат Раҳмон шеърлари ўзи асл кўринишда яъни ўзбек ти-лида ҳам ўзбек китобхони тарафидан қийин

тушунилади, де-дик. Боиси устознинг шеърга қараши бошқа ўзбек шоирларни-ки-га мутлақо ўхшамайди. Қофиялари кўз ва қулоқ ўрганган сўзлар шодаси эмас, аксинча, сиз кутмаган сўзлардан ясалган. Шеър мисралари ҳам эркин-ихтиёрий – бўғинлари турлича. Синчиклаб қарасанг, Румийнинг иси келиб тургандай. “Маснави-и маънавий” даги каби қолиплари борлигини сезасиз. Фикр аниқ-тиниқ баён қилиниши керак бўлган жойда, уни қофияга ҳам солиб ўтирмайди. Сўзларни эмас, фикрни бирламчи ўринда тутди!

Мен Шавкат Раҳмонни ўз шеърлари билан эмас, бунга қаранг-ки, испан шоири Федерико Гарсиа Лорка шеърлари орқали таниганман. Биз, бўлажак актёрлар, диплом спектаклимизга Лор-канинг “Қонли тўй” фожиасини сахналаштирганмиз. Ўшанда Лоркани ҳали ҳеч ким таржима қилмаган эди. Раҳбаримиз Лола Хўжаеванинг босими билан бир нечта шеърларини ўзимиз таржима қилганмиз. Шунақа қийин, шундай оғир. Таржима ҳам, шеърларни руҳияти ҳам. Асар якунидаги фожиалар оҳанг-и-да. Ўқитувчимиз Исоқтой Жуманов билан яхшигина “терлаган” эдик. Орадан йиллар ўтиб, Лорканинг шеърлари таржима қилиниб, китоб бўлиб чиққанида, бу оташин ва илгарилари ўхша-ши топилмаган шеърларни ким таржима қилган экан, деб Шавкат Раҳмонни таниганман. Синчиклаб ўрганганимда ўшанда Шавкат аканинг таржималари ҳам ўз ижодидаги шеърларга ўх-шаш эканини ўзим учун “кашф” қилганман.

Шавкат Раҳмон ижодида ўзбекларнинг ҳаммаси ҳам тушунол-майдиган “сув ости кечим”лари бор. Ишоралар, шамалар би-лан ёзади у. Бир эмас, қайта-қайта ўқилганда тушуниладиган тағма-ноли шеърлар. Унга алоҳида созланиш керак. Бундай шеърларни қандай таржима қилиш мумкин бўлади? Гўё бу ерда бир шеърда икки шеър яшириндай. Аввал оддий сўзларини тушу-ниш, кейин маъноларини териб чиқиш керак бўлади. Шундан сўнггина ягона бир қолип-шаклга солиш мумкин. Қанча масъу-лия, нечоғлиқ шахд керак бўлади бу учун. Хайрулла Ҳа-ми-довдан ҳеч ким бу шеърларни таржима қилишни сўрамаган, ва-зифа бермаган. Шахсий иштиёқ, ўз ташаббуси ва ички ишончи даъватига кўра турк тилига ўнгирган. Шавкат Раҳмонни тар-жима қилишда кимдир биринчи бўлиши керак эдику! Ўша би-ринчи – Хайрулла Ҳамидов бўлди.

Тонг очар кўзларин эриниб,

севинчдан йиғлайди қиёқлар,
чечаклар жилмаяр севиниб,
шамолда чўмилар гиёҳлар.
Ўйноқи шуълалар – болалар
жимгина тарқалар сайхонга,
ўргимчак тўқийди толалар,
хонқизи боради меҳмонга.
Қурбақа варақлар баёзин,
гулдан бол сўради арилар,
чигиртка қайрайди овозин,
парвозда ниначи – парилар.
Чумоли, меҳнаткаш чумоли,
куйинма, атрофга бир қара —
майсалар, оҳ, қандай ҳумоли,
дунёни қилма кўп масхара.

Шоирнинг ушбу шеърида қаҳрамон кўп. Бақаяо ниначи, арию хонқизи... Фақат чумоли ҳеч нарсага парво қилмай, бо-ши-ни меҳнатдан кўтармай ғимирлайди. Илло, у кўёшдан ҳам ол-дин туради. У тинмайди, дам олмайди. Унинг ухлагига ҳам шуб-ҳам бор. Хайрулла Ҳамидов ҳам мана шу чумоли сингари ти-нимсиз изланади. Ўзбекчани туркчага, туркчани ўзбек ти-ли-га ўнгиради. Ҳар икки халққа ҳам яхшилик, эзгулик илинади.

Юқоридаги шеърни Хайрулла Ҳамидов турк тилига қуйидагича ўнгирган:

Tanyeri üşenip göz açar,
sevinçle ağlıyor kamışlar,
çiçekler gülümser sevinçle,
rüzgarla yıkanır bitkiler.
Oynak ışınlar – çocuklar
sessizce dağılır çayıra,
örümcekler örер ağını,
Hankızı yol alır mihmana.
Kurbağa karıştırır kitabı,
çiçekten süzer bal arılar,

çekirge ayarlar sesini,
uçuşur yusufçuk – periler.
Karınca, çalışan karınca,
üzülme, etrafa baksana,
çimenler, ne güzel hümalı,
dalga geçme sen dünyayla.

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчи-лар уюшмаси аъзоси Хайрулла Ҳамидовнинг саъй-ҳара-кат-ла-ри билан ўзбекнинг Шавкат Раҳмондай чўнг шоирининг асл шеър-лари турк тилига таржима қилиниши, уч денгиз ора-си-даги сеҳрли диёр шеърпарастрлари учун қувончли бир ало-ҳи-да ҳо-диса бўлади деб ўйлаймиз. Ва яна умид қиламизки, ушбу тар-жи-малар мутолааси Шавкат Раҳмон шахси, ижодий услуби, фикр баёнининг мутлақо ўхшаши йўқлигини таниш бораси-да-ги илк учрашув бўлди.

Хайрулла Ҳамидов яна бошқа таржимонларни ҳам рағ-бат-лан-тирган ҳолда туйқус бир ижодий тўлқин кучи билан қолган шеър-ларини ҳам турк тилига ўгириб, янада мукамал бир тўп-лам кўринишида тақдим қилишларини кутиб қоламиз.

Чумоли бу ибрат тимсоли. Барча халқлар адабиётида иш-ти-рок этувчи меҳнат кишиси образи, “прототипи”. Онгли одам шу тим-солдан қувват олиб, ҳаётини мазмун ва моҳиятга ўрайди. Хайрулла Ҳамидов талабаларга дарс берувчи муаллим, истеъ-дод-ли шогирдлар етиштираётган устоздир. У бутун аъмоли би-лан уларга ибрат. Илмда ҳам, таржимада ҳам.

REFERENCES

1. Şevket Rahman. Seçme Şiirler (Tercüman: Hayrullah Hamidov). – Taşkent, TDŞÜ: – 2025. – 96 s.
2. Rahmon Shavkat. Saylanma. “Sharq” NMK Bosh tahririyati. – Toshkent. 1997. Jamoatchi muharrirlar: Nabijon Boqiy, Asqar Mahkam. – 215 b. www.z'youz.com kutubxonasi.
3. Rahmon Shavkat. Ochiq kunlar: She'rlar. – Toshkent: Adabiyot ve san'at nashriyoti, 1984. – 72 b.